



## AKSIYADORLARNING NAVBATDAN TASHQARI O'TKAZILGAN UMUMIY YIG'ILISHINING 01/2021 - sonli BAYONNOMASIDAN KO'CHIRMA

Манзили “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ биноси,  
Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 3

2021 йил 28 май  
иш вакти 11.00-13.00

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини Банк Кенгаши Раиси ўринбосари – У.Мухтаров очди ва қуидагиларни маълум қилди.

Банк Кенгаши томонидан 2021 йил 27 апрельда (*2021/06-сонли баённома*) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Уставига биноан, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2021 йил 27 апрель ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан банк акциядорларига умумий йиғилиш ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисида хабар “Тошкент” РФБ, Корпоратив ахборот ягона портали, банкнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилган ҳамда акциядорларнинг электрон почта манзилига юборилди, шу билан бирга мазкур хабар мамлакатимизнинг “Биржা” иқтисодий рўзномасининг жорий йил 6 марта 36-сонида ҳамда “Халқ сўзи” марказиий рўзномасининг жорий йил 30 апрелдаги сонида чоп этилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 61-моддасига ҳамда Банк Кенгашининг қарорига биноан, Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2021 йил 24 май деб белгиланди.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2021 йил 24 май ҳолатига шакллантирилган. Мазкур санага шакллантирилган акциядорлар реестрида амалдаги қонунчиликка асосан фақат оддий акция эгалари йиғилишда овоз бериш ҳуқуқига эга.

2021 йил 24 май ҳолатига Банкнинг Устав капитали 4 634 513 904 398 (*тўрт триллион олти юз ўттиз тўрт миллиард беш юз*

ўн уч миллион тўққиз юз тўрт минг уч юз тўқсон саккиз) сўмни ташкил қилади ва у қўйидаги акцияларга бўлинган:

- умумий қиймати 4 627 483 904 398 (*тўрт триллион олти юз иигирма етти миллиард тўрт юз саксон уч миллион тўққиз юз тўрт минг уч юз тўқсон саккиз*) сўм бўлган номинал қиймати 19 (*ўн тўққиз*) сўмлик 243 551 784 442 (*икки юз қурк уч миллиард беш юз эллик бир миллион етти юз саксон тўрт минг тўрт юз қурк икки*) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;
- умумий қиймати 7 030 000 000 (*етти миллиард ўттиз миллион*) сўм бўлган номинал қиймати 19 (*ўн тўққиз*) сўмлик 370 000 000 (*уч юз етмиши миллион*) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (*кворум тўпланганлиги*) бўйича сўз Саноқ комиссиясининг раиси Дилшод Абдукадировга берилди. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2021 йил 24 май ҳолатига навбатдан ташқари Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳукуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 243 551 784 442 (*бир юз ўн уч миллиард етти юз тўқсон олти миллион бир юз олти минг уч юз ўн уч*) дона оддий акциялар киритилган.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳукуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Саноқ комиссияси раиси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 231.477.228.862 (*икки юз ўттиз бир миллиард тўрт юз етмиши етти миллион икки юз иигирма саккиз минг саккиз юз олтмиши икки*) дона ёки 95,04 фоизига эгалик қилувчи 2 (*икки*) нафар акциядор ва акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

*Саноқ комиссияси баённомаси, акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхати, Саноқ комиссияси маълумотномаси матни илова қилинади.*

Банк Кенгashi Раиси ўринбосари – У.Мухтаров банк акциядорларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ҳамда йиғилишда банкнинг йирик акциядори – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат иштирокидаги тижорат банкларини ислоҳ қилиш департаменти директори – Ж.Абдушукуров, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ижрочи директори – У.Мухтаров ҳамда Банкнинг Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарлари,

Бош банкнинг бўлинмаларнинг раҳбарлари иштироқ этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг Ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди:

Йиғилиши ҳайъати: У.Мухтаров (йиғилишга Раислик қилувчи), Ж.Абдушукуров, А.Эргашев, З.Азимов.,

Йиғилиши котибияти: А.Визер.

Саноқ комиссияси: Д.Абдукадиров, Х.Умаров, Х.Саттаров.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибиға қуйидаги масалалар киритилган:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (КРІ) тасдиқлаш тўғрисида;

2. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини (КРІ) қўллаш Тартиби тасдиқлаш тўғрисида;

3. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Корпоратив бошқарув Кодекси (янги таҳрири) тасдиқлаш тўғрисида.

4. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2021-2023 йилларда ривожланиш стратегияси”ни тасдиқлаш, Акциядорлар умумий йиғилишининг 2019 йил 28 июндаги 01/2019-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2019-2021 йиллар учун ривожланиш стратегияси”ни бекор қилиш тўғрисида.

5. Банк устав капиталига конвертация қилинадиган Халқаро молия корпорациясининг кредит линиясини жалб қилиш тўғрисида.(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартағи 161-сонли қарорини бажариш мақсадида)

6. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Банк бошқаруви тўғрисида Низом”га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

Акциядорлар умумий йиғилиши билан боғлиқ барча материаллар, маърузалар, ҳисоботлар, овоз бериш бюллитенлари йиғилишни ўтказиш операторининг электрон платформасида (*электрон овоз бериши хизмати <http://evote.uz/>.*) жойлаштирилганлигини ва муҳокама учун **Zoom** электрон платформасидан фойдаланганлигини инобатга олиб, умумий йиғилишни масофавий ўтказиш тартиби қуйидагича белгилаб олинди:

Кун тартибиға киритилган масалалар бўйича ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилди:

- Кун тартибига киритилган масалалар буйича ахборот бериш учун маъruzачиларга - 10 дақиқагача;
- Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси - 15 дақиқагача;
- Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш учун - 2 дақиқа.

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

**Кун тартибидаги биринчи масала**, бўйича банк Кенгаши Раиси ўринbosари У.Мухтаров тегишли тушунтиришлар берди. Ўз нутқида маъruzачи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилд 1 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасиниг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларидан келиб чиқиб жорий йилга “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (КРІ) (1 илова) ишлаб чиқилганини ва банк Кенгаши томонидан мақулланиб, навбатдан ташқари банк акциядорлари умумий йиғилишига тасдиқлаш учун чиқарилганини таъкидлаб ўтди. Йиғилишга иштирок этган банк акциядорлари ва уларнинг вакиларидан ушбу масала юзасидан қўшимча тушинтиришлар талаб этилса банкнинг тегишли бўлинмалар раҳбарлари жавоб беришга тайёр турганлиги маълум қилинди. Йиғилиш қатнашчиларидан қўшимча саволлар бўлмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (КРІ) **(1 илова)** “тасдиқлаш” тўғрисида таклиф киритилди ва мазкур таклиф овозга қўйилди.

**Кун тартибидаги иккинчи масала**, бўйича Банк Кенгаши Раиси ўринbosари У.Мухтаров тегишли тушунтиришлар берди. Ўз нутқида маъruzачи мазкур масала йиғилишда биринчи кўриб чиқилган масала билан боғлиқлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан барча давлат банкларига намуна қилиб ички меъёрий ҳужжат сифатида тавсия қилиб берилган намунавий тартиби асосида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини (КРІ) қўллаш Тартиби ишлаб чиқилганлигини, банк Кенгаши томонидан мақулланиб, акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш учун чиқарилганини таъкидлаб ўтди. Йиғилиш қатнашчиларда ушбу Тартибининг мазмун ва моҳияти бўйича саволлар йўқлигини инобатга олиб, уни **2-иловага** мувофиқ “тасдиқлаш” тўғрисида таклифи киритилди ва овозга қўйилди.

**Кун тартибидаги учинчи масала**, бўйича банк Корпоратив маслаҳатчиси К.Алимов тегишли тушунтиришлар берди. Ўз нутқида К.Алимов Ўзбекистон Республикаси Копоратив бошқарувини мувофиқлаштириш ва акциядорлик жамиятларини самарадорлигини кўтариш бўйича Маҳсус комиссия томонидан 2016 йилда Корпоратив кодекси тасдиқланган бўлиб, мамлакатимиздаги барча акциядорлик жамиятларига унинг тамойил ва талабларини бажарилиши тавсия этилган. Мазкур комиссия қарорига асосан 2016 йил 29 апрелда бўлиб ўтган банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан “Корпоратив бошқарув кодекси” тавсияларига риоя этиш мажбуриятини кабул килиш бўйича қарор қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида Низоми” (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўtkazildi, rўykhmat raqами 3254*) амалга тадбиқ қилиш билан, юқорида кўрсатилган “Корпоратив бошқарув кодекси” ҳозирги замон талабларига жавоб бермаслигини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 10 сентябрдаги 21/11-сонли қарорига асосан ушбу ҳолат таъкидлаб ўтилган.

Банкимизда корпоратив бошқарув амалиётлари халқаро стандартлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк талабларига жавоб бериши, шунингдек банк ички меъёрий хужжатларини мувофиқлигини таъминлаш мақсадида ““Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Корпоратив бошқарув кодекси” ишлаб чиқилиб, банк Кенгashi муҳокамасида маъқулланди. Ушбу ички меъёрий хужжат банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши ва жорий банк амалиётига тадбиқ этилгандан кейин, 2016 йил 29 апрелдаги банк акциядорлари умумий йиғилишининг “Корпоратив бошқарув кодекси” тавсияларига риоя этиш мажбуриятини кабул килиш тўғрисидаги қарори бекор қилишини талаб этади.

Банк Кенгashi Раиси ўринбосари У.Мухтаров йиғилиш қатнашчиларидан масала юзасидан саволлар йўқлигини инобатга олиб, акциядор вакилларидан қуидаги таклифларга овоз беришини сўради:

- Биринчидан, ““Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Корпоратив бошқарув кодекси”ни “тасдиқлаш” (**З-илова**);
- Иккинчидан, 2016 йил 29 апрелдаги банк акциядорлари умумий йиғилишининг “Корпоратив бошқарув кодекси” тавсияларига риоя этиш мажбуриятини кабул килиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш.

**Кун тартибидаги тўртинчи масала**, бўйича йиғилиш қатнашчиларига банк томонидан 2019-2020 йилларда хўжалик фаолияти жараёнида эришилган натижалар ва кўрсаткичларига бағишланган 10 дақиқалик видео

клип намойиш этилди. Унга асосан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2019-2021 йиллар учун ривожланиш стратегияси”ни амалга ошириш жараёнида банк кўрсаткичлари қўйидагича шакллантирилиши кўрсатилди:

- Активларни 1,3 даражада ўсиши, 65,2 трлн.сўмгача етказиш;
- Умуий капитални 1,5 даражада ўсиши, 10 трлн.сўмгача етказиш;
- Тушум 2 даражада ўсиши, 11 трлн.сўмгача етказиш;
- Кредит портфели 1,4 даражада ўсиши, 55 трлн.сўмгача етказиш;
- Депозитлар базаси 1,5 даражада ўсиши, 16,8 трлн.сўмгача етказиш;
- Активлар рентабеллилиги 1,9% дан 2,4%гача ўсиши;
- Капитал рентабеллилиги 12,1% дан 15,7%гача ўсиши;
- Фоизли маржа 3,9% дан , 5,7% гача ўсиши
- Амалиётлар самарадорлиги 25,6% дан 24,5% пасайиши;
- Кредит портфелида корпоротив бизнес улушкини 58,7% дан 53,5%гача пасайиши;
- Чакана бизнеснинг улуси 10,8% дан 11,5% гача ўсиши;
- Кичик ва ўрта бизнес улуси 30,5% дан 35% гача ўсиши;
- Кредитларнинг депозитларга нисбати 3,5 каррадан 3,2 каррагача пасайиши.

Бундан ташқари банк Корпоратив маслаҳатчиси К.Алимов акциядор вакилларига “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2021-2023 йилларда ривожланиш стратегияси” бўйича йиғилиш материалларида презентация берилганлигини ва мазкур презентацияда банкни ривожлантиришнинг янги стратегияси бўйича батафсил бизнес жараёнлар кесимида истиқболли кўрсаткичлар ва диаграммалар кўрсатилганлигини таъкидлаб ўтди.

**Кенгаши Раиси ўринбосари У.Мухтаров,** банк соф фойдаси бўйича ҳам истеқбол рақамларини кўрсатиб беришни сўраб, мазкур стратегияда соф фойданинг 50%дан кам бўлмаган қисмини дивидендларга йўналтирилиши кўзда тутилганлигини маълум қилди.

**Банкни стратегик ривожлантириш департаменти директори Б.Рахматов** кўйилган саволга жавоб бериб, қўйидагиларни маълум қилди:

- 2020 йилда банк 798 млрд. сўм миқдорида соф фойда шакллантирилган;
- 2021 йилда 1.480 млрд.сўм миқдорда соф фойдани шакллантириш режа қилиб белгиланган.

Банкнинг йирик акциядори **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан вакили Ж.Абдушукуров** “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2021-2023 йилларда ривожланиш стратегияси” билан танишиб

чиқилғанлигини билдириб, ушбу хужжатга қўйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритишни таклиф қилди:

- Республика банк бозорида банкнинг асосий кўрсаткичлари кесимида (депозитлар, активлар, кредит портфели, мижозлар сони, корпоратив бизнес, кичик ва ўрта бизнес, чакана хизматлар) истиқболли мақсад қилиб қўйилган ўрнини белгилаб олиш;
- Вакансияларни ёпиш муддатларини банк мутахассиси ва раҳбарларининг даражаси кесимида кўрсатиб бериш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан ўрнатилган ковенантлари алоҳида ва шу билан бирга банк ҳамкорлари томонидан ўрнатилган ковенантлари алоҳида қўлланишини кўрсатиб бериш.

**Банк Кенгаши Раиси ўринбосари У.Мухтаров** масала муҳокамасини якунлаб, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2021-2023 йилларда ривожланиш стратегияси”ни билдирилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан **4-иловага** мувофиқ “тасдиқлаш” ва шу билан бирга акциядорлар умумий йиғилишининг 2019 йил 28 июндаги 01/2019-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2019-2021 йиллар учун ривожланиш стратегияси”ни “бекор қилиш” тўғрисида таклифлар учун овоз беришни сўради.

**Кун тартибидаги бешинчи масала,** бўйича **Банк Кенгаши Раиси ўринбосари У.Мухтаров** йиғилиш қатнашчиларга Банк устав капиталига конвертация қилиш имконияти билан Халқаро молия корпорациясининг (ХМК) 75 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиясини жалб қилиш масаласи йирик битим бўлганлиги учун, банк Кенгаши томонидан қўриб чиқилганда бир овоздан қўлланиши тўғрисидаги қарори қабул қилинганини маълум қилди. Ушбу йирик битим шартлари бўйича тушунтириш бериш учун банкнинг **Молия институтлари ва инвесторлар билан ишлаш департаменти директори А.Палвановга** сўз берилди. А.Палванов мазкур битим таркиби учта асосий жараёндан иборатлигини маълум қилди:

- ХМК томонидан кредит линияси ажратилиши;
- Банкнинг қўшимча акцияларини чиқариш орқали ушбу кредитни банк капиталига конвертация қилиш;
- Банк капитали таркибидан 50 фоиздан кам бўлмаган давлат улушкини инвесторларга сотиш орқали банкни приватизация қилиш.

Битим томонлари:

Қарз олувчи – Ўзсаноатқурилишбанк;

Кредит берувчи – Ҳалқаро молия корпорациясининг (ХМК);

Ҳомийлар – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси.

Битим амалга ошириш жараёнида томонлар ўртасида 8 та асосий хужжат имзоланиши кўзда тутилган:

1. Кредит шартномаси;
2. Устав капиталдаги улушини сақлаш битими;
3. Имплементация шартномаси.
4. Акцияларга бўлган обуна шартномаси;
5. Олди-сотди шартномаси;
6. Бошқарув бўйича шартномаси;

Ушбу битим ва шартномалар билан бир қаторда, ҳомийлар ХМКга мақбул бўлган шартларда амалга оширилувчи конвертация кунида Акциядорлик битимига (7) ва Пут опцион битимига (8) кириш мажбуриятини олади.

Барча тузиладиган битим ва шартномалар бўйича тушунтириш тақдим этилган презентацияда кўрсатилганини маълум қилинди.

Ҳалқаро молия корпорацияси кредит линиясининг асосий шартлари кўйидаги жадвалда намойиш этилди:

<b>Кредит линияси валютаси ва миқдори</b>	75 000 000,00 АҚШ долларининг сўмдаги эквиваленти, АҚШ долларида Банк ҳисобварагига тақдим қилинади. Кредит маблағлари томонлар ўртасида келишилган сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашинув курси бўйчия сўмда номиналланган миқдорнинг АҚШ долларидаги эквивалентида қайтарилади.
<b>Конвертация</b>	ХМК томонидан ажратиладиган кредитни тўлиқ ёки бир қисмиини Банкнинг қўшимча чиқариладиган оддий акцияларига конвертация қилиш имконияти мавжуд. Конвертацияни амалга ошириш тартиби ва шартлари Конвертацияланувчи кредит битими томонлари ўртасида келишилади.
<b>Фоиз ставкаси</b>	Қуйидагиларнинг йиғиндисидан иборат:  (А) ХМК томонидан тақдим этилиши мумкин бўлган сўмга боғланган молиялаштиришнинг қийматини акс эттирувчи қатъий фоиз ставкаси (“UZS Linked Fixed Base Rate”); (Б) спред 3,5% дан 3,75%гача;  “UZS Linked Fixed Base Rate” кредит линияси доирасида маблағлар ХМК ҳисобварагидан ечилганда, ечилган маблағлар миқдори учун бир ёки икки йилга белгиланади. “UZS Linked Fixed Base Rate” кредитнинг якуний муддатига қадар ҳар бир ёки икки йилда қайта ўрнатилади.
<b>Комиссиялар</b>	<b>Бир марталик олдиндан тўлов (“Front and end fee”)</b> - 1% гача

	(АҚШ долларида тўланади); <b>Мажбурият учун тўлов (Commitment Fee)</b> – ХМК ҳисобварагидан ечилимаган маблағлар микдоридан 1%гача, Конвертацияланувчи кредит битими имзоланган кундан ҳисобланади; <b>Бошқа комиссиялар:</b> портфель мониторинги учун - йиллик 20 000 АҚШ доллари, бекор қилиш учун комиссия – 200 000 АҚШ доллари.
<b>Кредит линияси маблағларини ХМК ҳисобварагидан ечишнинг охирги муддати</b>	Конвертацияланувчи кредит битими имзоланган кундан 6 ой давомида.
<b>Мажбуриятларни бажармаганлик учун оширилган фоиз ставкаси</b>	Белгиланган фоиз ставкасига қўшимча 2%дан 5%гача ва Банк томонидан ХМКга тўланиши мумкин бўлган конвертация бўйича компенсация тўлови учун йиллик 5%гача.

Маърузачи А.Палванов Банк Кенгаши Раиси ўринбосари У.Мухтаровнинг “ҲМКнинг кредит шартномада белгиланган молиявий ковенантлари бажарилиши” бўйича ҳамда “асосий шартнома ва битимларни имзолаш, кредит линияни конвертация қилиш жараёнини амалга ошириш муддатлари” бўйича қўйилган саволларга жавоб бериб, қўйидагиларни маълум қилди:

- Банк томонидан жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига ҲМК томонидан белгиланган молиявий ковенантлари бажарилиб келинмоқда;
- Асосий шартнома ва битимлар лойихаси ҲМКнинг инвестиция қўмитасидан маъқулланиб, корпорациянинг Кенгашига чиқарилди. Тасдиқланиши билан, жорий йилнинг июнь – июль ойида асосий шартнома ва битимларни имзоланиши кутилмоқда;
- ҲМКнинг режаларига кўра кредит линияни акцияга конвертация қилиш жараёни 2022 йил якунигача, Давлат улушкини эса чет эл инвесторларига сотилиши 2023 якунигача режалаштирилган.

**Банк Кенгаши Раиси ўринбосари У.Мухтаров** қатнашчиларидан масала юзасидан саволлар йўқлигини инобатга олиб, акциядор вакилларидан қуйидаги таклифга овоз беринини сўради:

- Банк томонидан Халқаро молия корпорациясининг 75 млн. АҚШ долларининг ўзбек сўмидаги эквивалентидаги кредит линиясини тўлиқ ёки бир қисмини Банкнинг қўшимча чиқариладиган оддий акцияларига конвертация қилиш имконияти билан жалб қилиш ҳамда Банкнинг Халқаро молия корпорацияси иштироқида транформация ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш доирасида тузилиши талаб этиладиган, Банк Кенгашининг 2021 йил 27 апрелдаги

2021/06-сонли карорида келтирилиб ўтилган (**5,6-илова**), битимларга киришиши ва имзоланиши масалалари маъқуллансин.

**Кун тартибидағи олтинчи масала,** бўйича **Банк Кенгаши Раиси ўринbosари У.Мухтаров** “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Банк бошқаруви тўғрисида Низом”га ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масала юзасидан тушунтиришлар бериш бўйича банк **Юридик департаменти директори Б.Норхужаевга** сўз берилди. Б.Норхужаев Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқаруви тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда-Низом)нинг амалдаги таҳрири Банк акциядорлари 2019 йил 28 июндаги умумий ийғилишида тасдиқланган.

2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган даврида Банк қонунчилиги соҳасида бир қатор жиддий ўзгаришлар содир бўлиб, Марказий банкнинг кўплаб ички меъёрий хужжатларида тижорат банкларининг Кузатув кенгашлари ва бошқарувларига нисбатан янги талаблар ўрнатилган.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 ноябрдан бошлаб янги таҳрирда кучга кирган, янги таҳрирдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунда Банклар ўз акцияларини сотиб олиш учун Марказий банкнинг дастлабки рухсатини олиши кўзда тутилганлиги натижасида Низомнинг 23-бинди 12-хатбошиси тегишинча ўзгартирилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг қонуности хужжатларидан 2 таси, яъни Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами: 3252, 2020 йил 30 июнь) ҳамда “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом”да (рўйхат рақами: 3254, 2020 йил 30 июнь) бевосита тижорат банкларидаги корпоратив бошқаув масалаларига оид янги қоидалар ўрнатилганлиги сабабали Бошқарув тўғрисидаги низомнинг 9, 11, 31- бандларидаги Бошқарув аъзоларига нисбатан талаблар ҳамда уларнинг ваколатлари билан боғлиқ қоидалар ўзгартирилди.

Бундан ташқари, Низомнинг 22-банди 5-хатбошига киритилган ўзгартиришлар янги бино қуриш, мавжуд биноларни бузиб, қайта қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш амалий масалаларда ҳамда 23-банд 8-хатбошига киритилган ўзгартиришлар банк томонидан мол-мулкни (сотиб) олиш ёки уни бошқа шахсга бериш (сотиш, бегоналаштириш) ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битимлар тузишда банк бошқарувининг ваколатларини аниқлаштириб беради.

**Банк Кенгаши Раиси ўринbosари У.Мухтаров** қатнашчиларидан масала юзасидан саволлар йўқлигини инобатга олиб, акциядор вакилларидан қўйидаги таклифга овоз беришини сўради:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Банк бошқаруви тўғрисида Низом”га киритиладиган ўзгартиришлар матни (7-иловага) мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш натижалари ва овоз бериш якунларини ҳисобга олган ҳолда Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

## ҚАРОР ҚИЛДИ:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (КРІ) тасдиқлансин (**1-илова**).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.477.228.862 овоз

“ёқлайман” – 231.477.228.862 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

**2.** “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини (КРІ) кўллаш Тартиби тасдиқлансин (**2-илова**).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.477.228.862 овоз

“ёқлайман” – 231.477.228.862 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

**3.** “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Корпоратив бошқарув Кодекси (янги таҳрири) тасдиқлансин (**3-илова**).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.477.228.862 овоз

“ёқлайман” – 231.477.228.862 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

**4.** “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2021-2023 йилларда ривожланиш стратегияси” тасдиқлансин (**4-илова**).

**4.1.** Акциядорлар умумий йиғилишининг 2019 йил 28 июнданги 01/2019-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2019-2021 йиллар учун ривожланиш стратегияси”ни бекор қилинсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.477.228.862 овоз

“ёқлайман” – 231.477.228.862 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

**5.** Банк томонидан Халқаро молия корпорациясининг 75 млн. АҚШ долларининг ўзбек сўмидаги эквивалентидаги кредит линиясини тўлиқ ёки бир қисмини Банкнинг кўшимча чиқариладиган оддий акцияларига конвертация қилиш имконияти билан жалб қилиш ҳамда Банкнинг Халқаро молия корпорацияси иштироқида транформация ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш доирасида тузилиши талаб этиладиган, Банк Кенгашининг 2021 йил 27 апрелдаги 2021/06-сонли карорида келтириб ўтилган (**5,6-илюва**), битимларга киришиши ва имзоланиши масалалари маъқуллансан.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.477.228.862 овоз

“ёқлайман” – 231.477.228.862 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

**6.** “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Банк бошқаруви тўғрисида Низом”га киритиладиган ўзгартиришлар матни тасдиқлансан (**7-илюва**).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.477.228.862 овоз

“ёқлайман” – 231.477.228.862 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

**Корпоратив маслаҳатчи**

**К.Алимов**

**Корпоратив бошқарув  
хизмати бошлиғи ўринбосари**

**Д.Абдуқадиров**

Баённома расмийлаштирилган сана: 2021 йил « 7 » июнь